# ЖАМОАТ МАРКАЗЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА-ТАКЛИФЛАРИ

Абдирахмонова Махфуза Нодир қизи
Термиз Мухандислик Технология Институти ассистенти
Бобомуродова Машхура Азимовна
Самарканд Давлат Архитектура Курилиш Институти ассистенти
https://doi.org/10.5281/zenodo.7189276

Ўтмиш йиллардаги Ўзбекистон тарихий шаҳарларда жамоат бинолари марказларини шакллантириш ва шаҳарларни лойиҳалаштириш амалиёти ва қурилишини таҳлил этиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш шуни кўрсатдики, улар бугунги кун шароитлари ва вазифаларига тўғри келмайди, шаҳарсозликни режалаштиришда жиддий янгича ёндашув зарур. Олдинги аёвсиз чекланган ва ҳаддан ташқари майдалашиб кетган ишловлардан фарқли ўлароқ ҳозир шаҳарсозликнинг аҳоли ҳаёти учун қулай шароитлар билан боғлиқ асосий муаммолари ҳал этилмоқда. Шаҳарларнинг бош режаларида эски шаҳар инфраструктурасини оғишмай ҳал этиш, маданий меросни асраб-авайлаш, боғпарк санъатини тиклаш ва экологияни яхшилаш билан бир вақтда транспорт муҳандислик ва бошқа халқ хўжалиги тузилмалари каби устувор йўналишларни аниқлаш зарурати юзага келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон шаҳарсозлик ривожининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан узвий боғлиқ янги босқичи бошланди. Меъморчилик ва шаҳарсозлик масалаларига катта аҳамият берган ҳолда Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигидаги мамлакат раҳбарияти дастурий ҳужжатларни кабул килмоқда. Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эрищганидан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби меъморчиликда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик неъматлари бўлмиш ўзлигимизни англаш, аслий ва азалий қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимиз асосларини тушуниб етиш жараёнларида улуғ аждодларимиз, буюк аллома ва фозиллар, саркардаларимиз табаррук номларининг тикланиши, уларга атаб ўрнатилган ҳайкаллар, зиёратгоҳ мажмуалар, майдонлар ва бошқа бунёдкорлик ишлари катта аҳамият касб этди - маълум маънода кўргазмали қўлланма ролини бажарди ва бажармоқда. Шу ўринда бир фикрга ўқувчининг эътиборини тортмоқчимиз. Қадимий Самарқанд, кўҳна Бухоро, бетакрор Хива, гўзал Шахрисабз, улкан ва навқирон Тошкент каби шаҳарларда аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган осори атиқа мажмуаларини завқ-шавқ билан, ғурур ва эхтиром билан томоша қилар эканмиз, бу обидаларнинг неча асрлар давомида бунёд бўлганлиги

кўпчиликнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Гўё улар ҳозирги кўринишларида доимо мавжуд бўлгандай... 476 Аслида, уларни аждодларимизнинг неча-неча авлодлари яратганлар, сайқал берганлар. Шу маънода тарихан қисқа вақтда республикамизнинг барча гўшаларида қад кўтарган йирик меъморий обидалар ўта тезкорлик билан бунёдкорликка ташна ҳалқимиз томонидан яратилганлигини таъкидлаш ўта мароқлидир. Истиқлол йиллари қад кўтарган меъморий обидалар, драма театри. Истиқлол йиллари қад кўтарган меъморий обидаларни кўздан кечириб мушоҳада этарканмиз, ҳаётий, айни пайтда, жуда ибратли бир ҳақиқатни таъкидлашимиз шарт. Ўзбекистонда кейинги йилларда мутахассисларимиз томонидан тарихий шаҳарларда жамоат бинолари меъморчилигини лойиҳалашда ва ўрганиш орқали Ўзбекистон истиқлол йилларидаги меъморчилигининг ривожланиш омилларини, ҳамда аждодларимизнинг неча-неча авлодлари яратган, сайқал берган меъморий обидаларимизга қиёсан, тарихан қисқа вақтда республикамизнинг барча гўшаларида қад кўтарган йирик меъморий обидалар ўта тезкорлик билан яратилганлиги аҳамиятини очиб беришдир. Муаммо шундан иборатки, Ўзбекистон кейинги йилларда меъморчилигини ўрганиш қандай тартибда ўргансак мақсадга мувофик ва янада самарали бўлади. Ўзбекистон истиқлол йиллари шаҳарсозлигининг янги босқичи меъморчилиги ҳамда меъморчиликдаги катта ўзгаришларини ўрганишнинг самадорлигини аниқлаш, инновацион лойиҳа таклифлар ишлаб чиқиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Меъморчиликдаги катта ўзгаришлари. Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эрищганидан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби меъморчиликда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик неъматлари бўлмиш ўзлигимизни англаш, аслий ва азалий қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимиз асосларини тушуниб етиш жараёнларида улуғ аждодларимиз, буюк аллома ва фозиллар, саркардаларимиз табаррук номларининг тикланиши, уларга атаб ўрнатилган ҳайкаллар, зиёратгоҳ  мажмуалар, майдонлар ва бошқа бунёдкорлик ишлари катта аҳамият касб этди - маълум маънода кўргазмали қўлланма ролини бажарди ва бажармоқда. Шу ўринда бир фикрга эътиборини тортмоқчимиз. Қадимий Самарқанд, кўҳна Бухоро, бетакрор Хива, гўзал Шахрисабз, улкан ва навқирон Тошкент каби шаҳарларда аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган осори атиқа мажмуаларини завқ-шавқ билан, ғурур ва эхтиром билан томоша қилар эканмиз, бу обидаларнинг неча асрлар давомида бунёд бўлганлиги кўпчиликнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Гўё улар ҳозирги кўринишларида

доимо мавжуд бўлгандай... Аслида, уларни аждодларимизнинг неча-неча авлодлари яратганлар, сайқал берганлар. Шу маънода тарихан қисқа вақтда республикамизнинг барча гўшаларида қад кўтарган йирик меъморий обидалар ўта тезкорлик билан бунёдкорликка ташна ҳалқимиз томонидан яратилганлигини таъкидлаш ўта мароқлидир. Гап шундаки, мустақиллик йилларида Ўзбекистан Республикаси биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан у кишининг ғоялари асосида лойиҳаланган ва бунёд этилган: Ўзбекистан Миллий боғи ва А.Навоий ҳайкали, Амир Темур ҳайкали ўрнатилган майдон ва Темурийлар тарихи музейи биноси, Мустақиллик майдонини таъмирлаш - «Хотира ва қадрлаш» мажмуи, «Шаҳидлар хотираси» мажмуи ва қатағон қурбонларига бағишланган музей биноси; Улуғбекка ўрнатилган ҳайкал, Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг янгидан тикланган биноси, Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси, Рус академик драма театри биноси, қатор жамоат бинолари, академик лицей ва коллежлар, «Юнусобод» теннис корти ва сузиш спорт саройлари, метронинг янги бекатлари, айланма йўллар, кўприклар каби мухандислик иншоотлари, янги бозорлар ва савдо-сотиқ. тармоқлари бинолари (буларнинг барчаси Тошкент шаҳрида); Истиқлол йиллари қад кўтарган меъморий обидалар, драма театри. Истиқлол йиллари қад кўтарган меъморий обидаларни кўздан кечириб мушоҳада этарканмиз, ҳаётий, айни пайтда, жуда ибратли бир ҳақиқатни таъкидлашимиз шарт Самарқанд шаҳрида ва яқинида барпо қилинган Имом ал-Бухорий  мемориал мажмуи ва Имом ал-Мотурудий мақбараси мажмуи, Фарғона вилоятида буюк аждодларимиз алломалар ал-Фарғоний ва Бурхониддин Марғинонийларнинг юбилей саналари муносабати билан барпо қилинган меъморий обидалар ва ҳайкаллар, Бухорода тариқат илмининг етакчиларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Хоразмда Мангуберди мажмуи, Термизда ат-Термизий зиёратгоҳи ва Алпомиш мажмуи, Навоий шаҳрида А.Навоий ҳайкали ва янги боғ мажмуи; тарихий шахарлар - Хива, Бухоро, Шахрисабз, Термиз, Самарқанд, Қарши, Марғилон юбилей саналари муносабати билан амалга оширилган йирик ободончилик ва шаҳарсозлик ишлари, улкан маъмурий ва жамоат бинолари, иншоотлар, шунингдек, янгидан қад кўтарган, эндиликда дунёга машҳур спорт комплекслари - буларнинг барчаси шаҳарларимиз кўркига-кўрк қўшган, замонавий ва анъанавий услубдаги меъморий обидалардир. Ибратли томони шундаки, ҳурматли Президентимиз юқорида қайд этилган барча меъморий обидаларнинг қурилиш жараёни билан бир неча бор ташриф буюриб танишганлар,

ўзларининг қимматли таклиф ва кўрсатмаларини берганлар, бинобарин, қад кўтарган обидаларнинг янада маҳобатли ва кўркам бўлиб, кўз ўнгимизда намоён бўлишига шахсан ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Истиқлол меъморлигига бир назар ташлаб, ўтган йиллар даврида амалга оширилган ишларнинг кўламини, аҳамият ва моҳиятини чамалаб кўришга эҳтиёж сезилди. Зеро, меъморлигимиз соҳасида эришилган катта ютуқларни таъкидлаш жоиздир. Шу билан бирга асрларга тенг бунёдкорлик ишлари бажарилганлиги, республикамиз шаҳар ва туманларининг бугунги қиёфаси тубдан ўзгариб, гўзаллашиб бораётганлиги исботалаб қилмайдиган бир ҳақиқат эканлиги ҳам маълумдир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг "Биздан келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!" — деган даъватлари, аввало, биз меъморларга қарата айтилган, деб биламиз. Бу улкан вазифани рўёбга чиқариш биз қурувчи ва меъморларнинг, ёш авлод - бўлажак мута-хассисларнинг муқаддас бурчидир. 479 Умуман, Президентимиз ташаббуси билан республикада ягона ёдгорликларни муҳофаза қилишдан комплекс муҳофазага, муаммони метафизик тушунишдан, тарихий шаҳарни унинг ривожланиш динамикасида кўриб чиқишни ва ҳамма таркибий қисмларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда унинг тузилишини чуқур таҳлил ва тадқиқот этишини назарда тутувчи диалектик тушунишга ўтиш белгиланди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги тарихий шаҳар марказларини қайта тиклаш, ёдгорликларни сақлаш тамойиллари бўйича шаҳарсозликнинг ягона комплекс таянч режаси йўқлиги сабабли асосий эътибор ушбу масалага қаратилади ҳамда Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида жойлашган жамоат бинолари архитектура ёдгорликларининг атрофида муҳофаза худудларини ташкил этиш муоммоларига бағишланган қатор изланиш (илмий-тадқиқот) ишлари киритилган. Қайта тикланиши ва сақланиши зарур бўлган тарихий шаҳарлар марказларининг шаклланиши ва чегараларини аниқлаш услубиятига, шунингдек муҳим археологик, шаҳарсозлик, архитектура ва маданий ёдгорликларнинг муҳофаза худудлари ва улар чегарасидаги қурилишларни тартибга солиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

2. И.А. Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» Тошкент. 1997 йил.

3. И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йули». Тошкент. “Ўзбекистон” 1997 йил.

4.Байджанов И. С. Аҳоли пунктлари ва жамоат марказларини меъморий режалаштириш. Ўқув қўлланма